



Абдулла Кодирий ва жадидчилик масаласи мавзуси кодирийшуносликнинггина эмас, адабиётшунослигимизнинг ҳам мухим ва долзарб, лекин шу пайтга қадар етарлича эътибор берилмай келаётган масалаларидан. Мухимлиги шундаки, Абдулла Кодирийдек ўзбек адабиётида янги йўл-йўналишни бошлаб берган, ўзбек романчилик мактабига асос солган сиймонинг жадидчилик номи билан тарихга кирган XX аср бошидаги етакчи ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракатдан четда туриши мумкин эмас эди. Тўғрироғи, Кодирий феномени, аслида, жадидчиликнинг адабиётда намоён бўлишидир. «Ўткан кунлар», биринчи навбатда жадид адабиётининг, иккинчи номи билан айтганда, янги ўзбек адабиётининг энг қуркам махсули. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Таажжубимиз сабаби, битта ходисани турли номлар билан атаётганимизда ва уларнинг ҳали онгимизга сингиб улгурмаганида. Иккинчидан, совет мафқураси томонидан бир вақтлар «халқ душмани» рамзига айлантилган «жадид» сўзини тилга олиш кўркувининг ҳали-хануз сўнгаларимиздан чиқиб кетмаганлигида. Лекин бугун бу нарса куёшнинг борлиги қадар ойдин хакикат бўлиб турибди. У ҳам бўлса, жадидчилик аталмиш ходисанинг тарихимизда кечгани, унинг кўхна Туркистон маданий-маънавий янгиланишида буюк омил бўлгани. Тўғри, уни баҳолашда, хусусан, мазкур ходисанинг майдонга келиши ва тараккиёт босқичларини белгилашда ҳар хиллик йўқ эмас ва бу, қанчалар табиий бўлса, шу қадар қонуний ҳамдир.

Шунга кўра, қуйидаги уч масалага диққатингизни қаратмоқчиман.

Биринчиси, айрим тадқиқотчиларимиз ўз илмий-тадқиқот ишларида жадидчиликни умуман эътироф этган ҳолда, уни 1905 йилдан кейин шаклланган ва 1917 йилларгагина дахлдор ҳисоблайдилар. Бизнинг нуктаи назаримиз бир оз бошқача. Ва биз буни 2002 йилда нашр қилинган «Миллий уйғониш» китобимизда очикроқ ҳамда батафсил ифодалашга ҳаракат қилганмиз. Бу йил чоп этилиши мўлжалланган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслигида бу нуктаи назар муайян тизим ҳолига келтирилган. Ундаги лейтмотив шундай:

Туркистон жадидчилиги XIX аср охири — XX аср бошларида юртимизда майдонга келган муайян ижтимоий-сиёсий шароит махсули. У сиёсий ҳаётда 1892 йилги эрк ва озодлик қурашларидан 1917—1918 йилларда Туркистон мухториятини эълон қилиш ва истиклолчилик ҳаракатларигача бўлган воқеаларни ўз ичига қамраб олди.

Маданий-маънавий ишларда XIX асрнинг 90-йилларида очилган «усули жадид»

мактабларидан ўнлаб ёшларни тараккий қилган мамлакатлар олий ўқув юртларига юбориш ва замонавий миллий кадрлар етказиш, ниҳоят, ўз миллий университетини очиш даражасигача кўтарилди. Миллий матбуотни майдонга келтирди, миллий театрга асос солди. Бадиий ижод соҳасида эса, оддий маиший-ахлокий мавзулар тасвиридан ўзликка талпинган оталаримизнинг турмуш ва интилишларини, мураккаб ва галаёнли рухиятини бутун зиддияти билан очиб берувчи кенг диапазонли, ранг-баранг жанрларга эга серранг ва сероханг адаби-ётгача бўлган йўл босиб ўтилди.

Шуларга кўра, биз Туркистон жади́дчилигини «XIX аср охирларидан шакллана бошлаган, XX аср бошларида тўла намоён бўлган, октябрь воқеаларидан кейин ҳам 20-йилларнинг ўрталарига қадар кизгин давом этган, 1929 йилдан кейин «Ким кимни енгади?» деган шиор советлар фойдасига хал бўлгач, бўҳронга кирган», — деган фикрдамиз.

Бинобарин, янги ўзбек адабиётимизнинг энг сара намуналари майдонга келган 20-йилларнинг биринчи ярми жади́дчиликнинг сўнгги босқичи. Жади́дчилик маънавий-маданий соҳаларни янги изга солгани сингари адабиётда ҳам уч буюк бонийни ўртага чиқарди. Чўлпон янги ўзбек шеъри биносига асос солди. Фитрат янги адабий-бадиий тафаккурни бошлаб берди, чинакам драматургия намуналарини яратди. Кодирий ўзбек романчилигининг отаси бўлиб тарихга кирди.

Иккинчиси, Абдулла Кодирийнинг шаклланишида жади́дчиликнинг роли ва ўрни масаласи.

Абдулла Кодирий Туркистонда жади́дчилик ҳаракат сифатида эндигина ниш ураётган, «усули жади́д» мактаблари ўлкада яқкам-дуккам очила бошлаган бир пайтда тугилди. Ўшанда юртимизга машхур «Таржимон»нинг кела бошлаганига 10 йилдан ошган эди. «Усули жади́д»нинг -халқ орасига кирганига роса 10 йил тўлган эди. Бир йил олдин — 1893 йили унинг назариётчиси ва амалиётчиси Исмоил Гаспринский Мажид Ганизода деган ширвонлик шогирди билан ўша давр Туркистонининг аҳамиятига кўра иккинчи шахри ҳисобланган Самарқандда бўлиб, 40 кун «усули жади́д» сабоқларини ўқиган эдилар. Абдулла мактаб ёшига етган йилларда янги усул мактаблари учун бир нечта дарслик босилиб чиққан эди. У «бир бойга хизматчиликка» берилган 1906 йилда миллий матбуотимиз дастлабки қадамларини кўяётган, машхур Махмудхўжа Бехбудий Мунавваркорининг «Хуршид» газетасида иштирокиюнчилар фиркасининг дастур ва аъмолини инсоф ва адолатгагина эмас, ахлоқ ва одобга ҳам номувофик топган, бир йилдан сўнг ўзининг «Туркистон мухторияти дастури»ни тузиб, «Иттифоқи муслимин» раҳбарияти орқали Давлат Думаси муҳокамасига киритиш ишлари билан шугулланар эди. Мана, маърифат ва сиёсатдаги ўзгаришлар. Ёш, ҳар нарсага ўта кизиқувчан, унинг устига рус-тузем мактабига катнаётган Абдулланинг булардан беҳабар бўлиши эҳтимолдан узок, албатта.

Туркистон адабиётини зимдан кузатиб келаётган А. Н. Самойлович 1909 йилдаёқ бу ерда янги адабиёт майдонга келаётганини маълум қилган ва хакикатан ҳам «Миллий шеърлар» ёзила бошлаган, 10-йиллардан театр асарлари, замонавий наср ва ўткир публицистика даврий матбуот ва ноширликни шошириб кўйган эди. Бинобарин, Абдулла Кодирий «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганини ўзи ҳам пайкамай қолган» экан, бунда ҳеч бир муболага йўқ. У Ватан бағрида етилиб, тўлиб-тошиб келаётган жади́дчиликдан баҳраманд бўлган, бошқача айтганда, миллий уйғониш ҳавосидан нафас олган ва ўз фаолияти билан уни янада мукаммаллаштириш истаги билан яшаётган ёшлардан эди. Унинг «Турон» жамиятига ишга ўтиши, хатто 1918 йилда Озик комитетида ишлаши ҳам буни тасдиқ этади. Бу

борада биргина мулохаза бўлиши мумкин, у ҳам бўлса, бу талкинларнинг ёзувчи 1926 йилда ўз кўли билан ёзган «Таржимаи хол»ига у кадар рост келмаслиги. Менимча, бу ерда ҳеч бир англашилмовчилик бўлмаслиги керак. Чунки «Таржимаи хол» 1926 йили, ёзувчи «тескаричи, миллатчи» деб асоссиз айбланиши муносабати билан ёзилганлиги мутахассисларга маълум. Иккинчидан, худди шу йили советлар жадиждчиликка қарши кураш компаниясини бошлаганларини, «Иногомчилик» деган «жиноий иш» очилиб, ўттиздан ортик киши камокка олинганини эслайлик.

«Падаркуш»га ҳавола масаласи эса, советларнинг бу борада гоят маккорона ва мунофикона йўл тутганлиги билан изоҳланади. Яъни бир томондан жадиждлар катагони бошланди, иккинчи томондан бир вақтлар ўзлари амирга ушлаб берган, катл этилишини томоша қилганлари Бехбудийнинг номини абадийлаштириш мақсадида Қарши шаҳрига унинг номи берилди.

Ва ниҳоят, Абдулла Кодирий асарларининг, биринчи навбатда, «Ўткан кунлар»нинг жадижд адабиётига алоқадорлиги масаласи.

Назаримда, бу ерда ҳам гап кўпроқ атамаларимизда ва бир кадар ёндашувларимизнинг бир-биридан фарқланишида. Агар биз жадиждчиликнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистоннинг асосий ва етакчи ҳаракатчилиги эканини эътироф этсак, унинг шартли равишда ажратиш мумкин бўлган «ташаққул» (XIX асрнинг 80-90-йиллари), «тараккий» (1900-1917 йиллар), «таназзул» (1918-1929) даврларини ҳам қабул қилмоқ керак бўлади. Унинг 1917 йилдан 1929 йилгача бўлган даврини тан олмаслик, октябрь воқеасидан кейинроқ советлар ўрнатилиб, социалистик мафкура қарор топди, инқилобий ўзгаришлар амалга оширилиб, янги жамият барпо этилди, деган эски ашулани қайтариш бўлур эдики, бу хакикатга ҳилофлигидан ташқари жадиждчиликнинг ҳам моҳиятига зиддир. 1917-1929 йилларга моҳиятан факат икки тарафдан (жадиждчилик, советчилик)гина ёндашиш мумкин. Учинчи йўл йўқ. Агар жадиждчилик сифатида талкин қилинадиган бўлса, бу давр адабиётини жадижд адабиёти, «Ўткан кунлар»ни эса, унинг энг гўзал намунаси сифатида эътироф этмоқ керак бўлади. Асарда эса, бунга жавоб берадиган барча компонентлар бор. Ортикча тафсилотларга берилмасдан, биргина нуктани қайд этиш билан чекланамиз. Асар, номланишидан кўришиб турганидек, ўтган кунлар, муаллиф таъкидлаганидек, «тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари» хақида эди. Масалани бу хил қўйиш шўро даврининг талаб ва эҳтиёжини кўзда тутди. Унга кўра, тарих ўтмиш ва бугунга ажратилиб, бири иккинчи-сига қарама-қарши қўйилмоғи, бири рад этилиб, иккинчиси улугланмоғи лозим эди. Яширишнинг ҳожати йўқ, совет даври адабиётшунослиги 20-йилларда ҳам, 60-йилларда ҳам уни худди шу жихатдан таҳлил ва талкин этди, яъни тарихимизнинг «қирлик», «қора кунлари» нималар-у, улар қандай кўрсатилгани устида фикр юритди. Бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар эса, асосан, бу асарнинг юқоридаги андозага сизмаган жихатлари — муаллифнинг ўз қаҳрамонларига муносабати, урф-удумларимиз, анъаналаримиз тасвири қабилад борасида кетди. Ўз даврида эса, у син-фий ёндашмаганлиги, ўтмишга тошни яхшироқ отмаганлиги учун қораланган эди. Истиклол даврида эса, у «истиклол қайғуси»ни ўзида ташиган асар сифатида таҳлил этилмоқда. Бунга қўшимча қилиб, романи «ўткан кунлар»дан «қир» эмас, «нур» топган, бениҳоя оғир замонларда, ҳаётларининг энг бахтсиз онларида ҳам юксак ички маданият, нозик дидлилик, қомил ахлоқ ва одоб намуналарини намойиш этган оталаримиз турмуши, гўзал оилавий муносабатлар, бетакрор миллий колорит тасвири орқали ўзликни танитмоққа қаратилган асар ҳам демак керак бўлади. Бу эса,

жадидчиликнинг, бошқача айтганда, миллий уйғонишнинг бош хусусияти, миллатни миллат килувчи анъаналар эди.

Юкоридагиларга кўра, Абдулла Кодирий жадидчилик ва жадид адабиётининг марказий сиймоларидандир.

Бегали Косимов, “Уйгонган миллат маърифати” китобидан